

---

## СЕКТОР РАҲБАРИ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

**Риштон туманида ёшларнинг сектор раҳбарлари билан учрашувлари ташкил этилмоқда. Бугун шундай учрашув 3-сектор раҳбари билан бўлиб ўтди. Унда сектор ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи уюлмаган ҳамда битирувчи ёшлари иштирок этдилар. Учрашув эркин, очиқ ҳамда самимий руҳда ўтди. Ёшлар ўзларининг қизиқтирган саволлари, таклифлари ҳамда муаммолари бўйича сектор раҳбари билан мулоқотда бўлишди.**

Учрашув давомида ёшлар томонидан асосан экин учун ер майдони ажратиш, кредит олишда кўмаклашиш ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан мурожаат қилишди. Билдирилган мурожаатларнинг айримлари жойида ҳал этилган бўлса, қолганлари ўрганиб чиқилиб, ҳал этилиши билдирилиб, ҳар бир мурожаат назоратга олинди.

2022-01-07 13:36:09